



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

№4/2

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2024



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 4/2-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

Бош муҳаррир

ўринбосари:

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров
PhD, доцент И.М.Пардаева
А.Х.Мингбоев

Техник муҳаррир:

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

Корректор:

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба
чоп этилади.

Ўзбекистон худудида
тарқатилади.

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори, DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти, DSc

А.М.Каримова – СамИСИ профессори в.б., DSc

МУНДАРИЖА:

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Мурод Мухаммедович Мухаммедов Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишлари	5
Sanjarbek Komiljon o‘g‘li Boyjigitov Don va un mahsulotlari bozorida iste‘molchi xulq-atvori mezonlarini qo‘llash imkoniyatlari	11
Шавкат Собирович Олтаев Рақамли иқтисодиёт шароитида аҳоли турмуш даражасининг иқтисодий мазмуни ва уни ўлчаш кўрсаткичлари	14
Shirinboy Bo‘ron o‘g‘li O‘razaliyev Funksiya hosilasining iqtisodiyotdagi o‘rni	17
ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ	
Сарвар Аюбовна Исхакова Развитие сферы услуг в условиях цифровой трансформации национальной экономики	20
Шехроза Маджитовна Каримова Инновации в сфере услуг общественного питания	25
Рахима Жамshedовна Курбанова Хизмат кўрсатиш корхоналарини рақамли иқтисодиётга ўтказишни татбиқ этиш модели	28
Зарина Муродовна Мухаммедова Хизматлар соҳасида инвестицион ресурсларни инновацияларга йўналтириш механизмлари	34
Eldor Anvarovich Nozimov Xizmat ko‘rsatishda elektron tijoratni samaradorligini oshirish	39
Shohista Baxriddin qizi Turdiyeva Elektron savdo va uning o‘ziga xos jihatlari	42
САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ	
Жунайдилло Садиевич Файзиев Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш – иқтисодий ривожланиш гаровидир	45
Ғайрат Яхшибаевич Пардаев, Акрам Джуракулович Ғафуров, Рузбой Нормаматов Грек ёнғоғи мевасининг истеъмол қиймати ва ёнғоқ етиштиришда кўрсатиладиган хизматларнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш	50
Shohruh Zafar o‘g‘li Jalilov Bog‘dorchilik tarmog‘ida investitsion faoliyatining nazariy asoslari	53
Muslimaxon G‘ayratjon qizi Sotvoldiyeva Ekologik va iqtisodiy barqarorlikni ta‘minlashda suv resurslarining ahamiyati va boshqaruvi	57
МЕҲНАТ, БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Озода Мамаюнусовна Пардаева, Мирзо Улугбекович Болтабоев Меҳнат бозори трансформациясида “юмшоқ” кўникмалар ва ижтимоий ҳимоянинг аҳамияти	62

САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Жунайдилло Садиевич Файзиев – СамаИСИ, “Сервис” кафедраси доценти

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ – ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ГАРОВИДИР

Аннотация. Мақолада хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотларининг иқтисодий ривожланишга ижобий таъсири кўрсатилган. Хусусан, тайёрланадиган сутга бўлган давлат стандартлари, сут ва сут маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги техник регламентнинг таҳлил этиш асосида хом сигир сутига бўлган хавфсизлик талаблари белгиланган. Хом сигир сутини сифат ва хавфсизлик кўрсаткичларини назорат қилиш даврийлиги схемаси келтирилган.

Калит сўзлар: миллий иқтисодиёт, озиқ-овқат хавфсизлиги, иқтисодий ривожланиш, техник-кимёвий назорат, тайёрланадиган сут, кислоталик, бактериал ифлосланганлик, соматик хужайралар миқдори, потенциал хавфли моддалар, оқсил миқдори.

Кириш. Хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотларининг мавжудлиги миллий иқтисодиёт, савдо ва туризмни ривожлантиришга ёрдам беради, озиқ-овқат ва овқатланиш хавфсизлигини таъминлайди ва барқарор ривожланиш омилларидан биридир. Аҳолини сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулоти билан таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини белгилаш, мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш, бозорни сифатли, хавфсиз ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, аҳолининг харид имкониятларини мустаҳкамлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш ва соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, шунингдек, мазкур соҳадаги мавжуд тизимли муаммоларга барҳам бериш масалалари ўта долзарб бўлиб бу борада ҳукуматимизнинг бир қатор меъёрий ҳужжатлари қабул қилинган [1, 2].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Хавфли озиқ-овқат маҳсулотлари, айниқса, чақалоқлар, ёш болалар, қариялар ва касалларга таъсир қиладиган турли касалликлар ва тўйиб овқатланмасликни келтириб чиқаради. Микроорганизмлар ёки кимёвий моддалар билан ифлосланган паст сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш оқибатларидан ҳар йили 600 миллион киши, яъни сайёрамизнинг деярли ҳар 10 аҳолиси касал бўлиб, 420 минг киши вафот этади, бу эса 33 миллион соғлом ҳаёт йилларини йўқотилишига олиб келади. Бундан ташқари, озиқ-овқат орқали юқадиган касалликлар иқтисодий ривожланишга тўсқинлик қилади, чунки улар миллий иқтисодиётга, туризмга ва савдога зарар етказиши, лекин энг муҳими, улар соғлиқни сақлаш тизимларига ҳаддан ташқари юкни келтириб чиқаради.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, озиқ – овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлашнинг замонавий усуллари, аввало, касалликлар ва ифлослантурувчиларнинг тарқалишини, озиқ – овқат маҳсулотининг фермадан столгача бўлган бутун озиқавий занжири бўйича ишлаб чиқариш, ишлов бериш, жўнатиш, сақлаш ва бошқа жараёнлардаги критик омилларни аниқлаш йўли билан бартараф этишга йўналтирилган [3]. Озиқ – овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чуқур илмий изланишлар Л.В.Донченко, В. Д. Надькта, Т.Е. Бурова, В.М.Позняковский ва бошқа олимлар томонидан амалга оширилган.

Республикаимиз аҳолисининг тўғри овқатланишини ташкил этишда юқори биологик қийматга эга бўлган сифатли ва хавфсиз сут маҳсулотларини аҳамияти ҳам жуда катта. Ўзбекистон Республикасида сут ва сут маҳсулотларининг хавфсизлиги юзасидан ягона талаблар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 июлдаги “Сут ва сут маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш тўғрисидаги” 474 – сон қарори билан белгиланган [4]. Ушбу шарҳлар сут хом ашёси сифат ва хавфсизлиги назоратининг ташкил э бтиш масалаларини таҳлил қилиш долзарблигини кўрсатади. Мазкур тадқиқотнинг мақсади амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида иқтисодий ривожланишнинг муҳим омилларидан ҳисобланган озиқ-овқат маҳсулотларига, хусусан тайёрланадиган сутга бўлган хавфсизлик талабларини белгилаш, хом сигир сутини

хавфсизлигини таъминлашнинг ташкил этиш ҳисобланди.

Тадқиқот методологияси. Олиб борилган изланишлар натижасида Республика-мизда тайёрланадиган сутга бўлган хавфсизлик талабларини белгилаш, хом сигир сути хавфсизлигини таъминлаш масалаларини ўрганиш мақсадида индукция - дедукция, абстракт фикрлаш, қиёсий таҳлил, мантикий ёндошув, тизимли таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Сутни қайта ишловчи корхоналарга ГОСТ 13264-88 “Сигир сути. Тайёрлашдаги талаблар” ва ГОСТ 31449-2013 “Хом сигир сути” стандартлари талабларига жавоб берувчи сут қабул қилиниши лозим.

ГОСТ 13264-88 “Сигир сути. Тайёрлашдаги талаблар”га мувофиқ сутни қайта ишловчи корхоналарда хом сут ва хўжаликларда термик ишлов берилган сут қабул қилиниши мумкин [5].

Хом сигир сути инфекцион касаллик хавфи бўлмаган хўжаликларда соғлом хайвонлардан олинган бўлиши керак. Сут соғиб олингандан кейин 2 соатдан кечиктирилмасдан тозаланиши ва совутилган бўлиши керак. Сутни ҳарорати топшириш - қабул қилиш пайтида корхонада 10 °С дан, хўжаликда эса 6 °С дан юқори бўлмаслиги лозим. Сутни музлатилишига йўл қўйилмайди. Сут оқ ёки кучсиз кремсимон рангда бўлиши, оксил чўкмаларидан озод ва табиий бўлиши керак. Сут ингибация, консервация ва нейтралловчи моддалар, оғир металл тузларига эга бўлмаслиги, шунингдек 1027 кг/м³дан паст бўлмаган зичликга эга бўлиши керак [5].

Хом сут 1 - жадвалга мувофиқ олий, биринчи ва иккинчи навларга бўлинади [5].

1 - жадвал

Тайёрланадиган сутни меъёрланадиган кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Олий нав	Биринчи нав	Иккинчи нав
Таъми ва ҳиди	Сутга хос, бегона таъм ва ҳидларсиз		Қишги-баҳорий йил вақтида кучсиз ем таъми ва ҳиди мавжуд бўлишига йўл қўйилади
Кислоталиги, °Т	16-18	16-18	16-20
Тозалик даражаси, гуруҳдан паст эмас	II	II	II
Бактериал ифлосланганлиги, минг/см ³	300 гача	300 дан 500 гача	500 дан 4000 гача
Соматик хужайралар миқдори, минг/см ³ , кўп эмас	500	1000	1000

Хўжаликларда термик ишлов берилган, инфекцион касалликлар бўйича холати яхши бўлмаган хўжаликлардан олинган ва ветеринар қонунчилик билан озик-овқатга ишлатилишига рухсат берилган сут тозаланган, соғиб олингандан кейин термик ишлов берилган ва 10 °С гача совутилган бўлиши керак. Бундай сутни соғлом хайвонлардан олинган хом сут билан аралаштирилишига йўл қўйилмайди.

Иккинчи нав талабларига жавоб бермайдиган, шунингдек стандарт талабларига жавоб бермайдиган инфекцион касалликлар бўйича яхши бўлмаган хўжаликлардан олинган сут навсиз ҳисобланади. Бундай сутни озикавий мақсадларда қабул қилиш таъқиқланади.

Ингибация ва нейтрализация қилувчи моддалар, оғир метал тузлари, мишяк, М1 афлотоксин ва пестицидларни қолдиқли миқдори соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган энг юқори йўл қўйиладиган даражалардан юқори бўлган сут корхонага қабул қилинмайди.

ГОСТ 31449-2013 “Хом сигир сути” стандартига мувофиқ сут инфекцион, одам ва хайвонлар учун умумий бўлган бошқа касалликлар хавфи бўлмаган ҳудудда соғлом хайвонлардан олинган бўлиши керак [5]. Органолептик тавфсифлари бўйича сут 2 - жадвалда келтирилган талабларга жавоб бериши керак.

Сутни ГОСТ 31449-2013 бўйича органолептик тавфсифлари [6]

Кўрсаткич номи	Тавфсифи
Консистенцияси	Оқсил чўкмалари ва парчаларисиз бир жинсли суyoқлик
Таъми ва хиди	Тоза, янги сутга хос бўлмаган бегона хид ва таъмларсиз
Ранги	Оқдан ёрқин - кремли ранггача

Сут физик - кимёвий ва микробиологик кўрсаткичлари бўйича 3 -жадвалда келтирилган меъёрларга мувофиқ келиши лозим.

Сутни ГОСТ 31449-2013 бўйича физик - кимёвий ва микробиологик кўрсаткичлари [5, 6]

Кўрсаткич номи	Кўрсаткич қиймати
Ёғлиги, %, кам эмас	2,8
Оқсил миқдори, %, кам эмас	2,8
Кислоталиги, °Т	16,0-21,0
Сутни ёғсизлантирилган қуруқ моддалари миқдори, %, кам эмас	8,2
Тозалик гуруҳи, паст эмас	II
Зичлиги, кг/м ³ , кам эмас	1027,0
Музлаш харорати, °С, юқори эмас	-0,520
1 см ³ даги соматик хўжайралар миқдори, кўп эмас	4,0•10 ⁵
1 см ³ даги МАФАМ*, КХБ** миқдори, кўп эмас	1,0•10 ⁵

* мезофил аэроб ва факултатив-анаэроб микроорганизмлар.

**колония ҳосил қилувчи бирликлар.

Сут ва сут маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги техник регламентда сут хом ашёсининг хавфсизлиги унга бўлган санитария қоидалари, меъёр ва гигиеник нормативлар, ветеринария-санитария қоидалари ва меъёрлар, жўнатиш ва сақлашга бўлган талаблар асосида шакллантирилган. Иккала стандартларда келтирилган хавфсизлик талаблари сут ва сут маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги техник регламентнинг 2-иловасидаги хом сутнинг физик-кимёвий хавфсизлик талаблари, потенциал хавфли моддалар (токсик элементлар, микотоксинлар, антибиотиклар, пестицидлар, радионуклидлар), микроорганизмлар ва соматик хўжайраларнинг чегаравий йўл қўйиладиган меъёрларидан ошмаслиги лозим. Шунингдек техник регламентни 3-чи иловасида хом сутда ветеринария дори воситаларини қолдиқли миқдорини йўл қўйиладиган даражалари ҳам қатъий белгиланган [5].

Сутни қайта ишлаш корхоналари томонидан хўжаликлардан олиб келинган сутни, улар томонидан сут фермаларини ветеринария-санитария ҳолатини яхшилиги тўғрисидаги ветеринария назорати органлари томонидан берилган маълумотномани тақдим этмасдан туриб, қабул қилиш таъқиқланади. Ветеринария назорати маълумотномалари хўжаликлар томонидан ҳар ойда, кейинги ойни 3 санасидан кечиктирмасдан сутни қайта ишлаш корхоналарига тақдим этилиши керак.

Қабул қилишда сутни сифат ва хавфсизлик кўрсаткичларини янада кучайтирилган тарзда назорат қилиш даврийлиги ГОСТ 31449-2013 да қуйидагича белгиланган (4-жадвал).

Бир кўрсаткич бўйича ҳам қониқарсиз натижалар олинганида ушбу кўрсаткич бўйича ҳажми икки марта оширилган намуна билан такрорий талил ўтказилади. Такрорий таҳлил натижалари маҳсулотни барча партиясига таалукли бўлади.

Сут маҳсус транспорт воситалари билан ушбу транспорт воситаси тури учун амалда

Сутни сифат ва хавфсизлик кўрсаткичларини назорат қилиш даврийлиги

Назорат қилинадиган кўрсаткич	Назорат даврийлиги	Қайта назорат қилишда фойдаланиладиган назорат усуллари	
		таъминотчи талаби бўйича	Тортишувли ҳолатларда
Органолептик кўрсаткичлари	Ҳар бир партиядан хар куни	ГОСТ 28283 бўйича	ГОСТ 28283 бўйича
Харорат, °С	Ҳар бир партиядан хар куни	ГОСТ 5867 бўйича	ГОСТ 22760 бўйича
Титрланадиган кислоталик, °Т	Ҳар бир партиядан хар куни	ГОСТ 3624 бўйича	ГОСТ 3624 ни 2.2 банди бўйича
Ёғ микдори, %	Ҳар бир партиядан хар куни	ГОСТ 5867 бўйича	ГОСТ 22760 бўйича
Оқсил микдори, %	Ҳар бир партиядан хар куни	ГОСТ 25179 бўйича	ГОСТ 22327 бўйича
Қурук ёғсизланган сут қолдиғи (ҚЁСҚ) микдори, %	Ҳар бир партиядан хар куни	ГОСТ 3626 ни 2.4.3 банди бўйича	ГОСТ 3626 ни 2.4.3 банди бўйича
Зичлиги, кг/м ³	Ҳар бир партиядан хар куни	ГОСТ 3625 бўйича	ГОСТ 3625 ни 2.2 бўлими бўйича
Тозалик гуруҳи	Ҳар бир партиядан хар куни	ГОСТ 8218 бўйича	ГОСТ 8218 бўйича
Музлаш харорати, °С	ИНД* га мувофиқ	ГОСТ 25101 бўйича	ГОСТ 30562 бўйича
Фосфатаза ёки пероксидазани мавжудлиги	Иссиқлик ишлов берилганлигига гумон қилинганда	ГОСТ 3625 бўйича	ГОСТ 3625 бўйича
Иссиқликга чидамлилиги	Юқори хароратларда ишлов бериш режимларига эга маҳсулотлар учун ИНД га мувофиқ	ГОСТ 25228 бўйича	ГОСТ 25228 бўйича
Соматик хужайралар микдори, минг/см ³	Ҳар бир партиядан хар куни	ГОСТ 23453 бўйича	ГОСТ 23453 ни 3-чи бўлими бўйича
Ингибация қилувчи моддалар мавжудлиги	Ҳар бир партиядан хар куни	ГОСТ 23454 бўйича	ГОСТ 23454 бўйича
Антибиотиклар, мг/кг	10 кунда бир мартадан кўп эмас	Амалдаги меъерий ҳужжатларда назарда тутилган усулларга мувофиқ	
Бактериал ифлосланганлик, КХБ/г	10 кунда бир мартадан кўп эмас	ГОСТ 9225 бўйича	ГОСТ 9225 бўйича

бўлган тез бузилувчи юкларни ташиш қодаларига мувофиқ ташилади. Сутни қайта ишлашгача сақлаш муддати жўнатиш вақтини ҳисобга олган ҳолда 4 ± 2 °С хароратда 36 соатдан ошмаслиги керак.

Хулоса ва таклифлар: Шундай қилиб, тайёрланадиган сутга бўлган хавфсизлик талаблари сут ва сут маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламент ва ГОСТ 13264-88, ГОСТ 31449-2013 давлатлараро стандартлари асосида белгиланади. Ҳом сутга бўлган хавфсизлик талаблари физик - кимёвий хавфсизлик кўрсаткичлари, улардаги потенциал хавфли моддалар, микроорганизмлар ва соматик хужайраларнинг чегаравий йўл қўйиладиган микдорлари, шунингдек Ҳом сутдаги

ветеринария дори воситаларини қолдиқли микдорлари, шунингдек жўнатиш ва сақлашга бўлган талаблар асосида шакллантирилади.

Хом сигир сути хавфсизлигини таъминлаш мақсадида уни Республикамиздаги сутни қайта ишлаш корхоналарида қабул қилиш сут фермаларини ветеринария-санитария ҳолатини яхшилиги тўғрисидаги ветеринария назорати органлари томонидан берилган маълумотнома асосида қатъий белгиланган тартибда қабул қилиниши тавсия қилинади. Шунингдек, сутни қайта ишлаш корхоналарида хом сигир сути хавфсизлигини таъминлашнинг ташкил этишда унинг назоратини сут сифат ва хавфсизлик кўрсаткичларини назорат қилиш даврийлиги схемасига қатъий мувофиқликда амалга ошириш таклиф қилинади. Таъкидлаш керакки, узоқ вақт давомида амалда бўлиб келаётган ГОСТ 13264-88 “Сигир сути. Тайёрлашдаги талаблар” дан фарқли равишда ГОСТ 31449-2013 “Хом сигир сути” стандартида қабул қилинаётган сутдаги ёғ, оқсил ва ёғсизлантирилган қуруқ моддаларни минимал йўл қўйиладиган микдорлари ҳам белгиланган. Шу сабабли Республикамиздаги барча сутни қайта ишловчи корхоналар сутни қабул қилишда ишлаб чиқарилаётган сут маҳсулотлари юқори сифатини таъминлаш мақсадида юқорида қайд этилган кўрсаткичларни албатта аниқлашлари тавсия қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августдаги “Озиқ – овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида” ги 483-1-сонли қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 январдаги “Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора тадбирлари тўғрисида” ги ПФ 5303 – сонли фармони.
3. Постановление (ЕС) № 178/2002 Европейского парламента и Совета от 28 января 2002 года.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 июлдаги “Сут ва сут маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида” ги 474-сонли қарори.
5. Файзиев Ж.С. Тайёрланадиган сутнинг хавфсизлиги. Озиқ-овқат хавфсизлиги: Глобал ва миллий муаммолар.// IV халқаро микёсидаги илмий-амалий анжуман илмий ишлари тўплами. – Самарқанд. СамДУ, 2022. -528 б.
6. Файзиев Ж.С. Сут хом ашёси сифат ва хавфсизлигини ташкил этиш. Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси: илмий журнал. -№1 (85), Хоразм Маъмун академияси, 2022 й. – 489 б.

<p>Ж. Файзиев</p> <p>Обеспечение продовольственной безопасности - залог экономического развития</p> <p>Аннотация. В статье показано положительное влияние безопасных пищевых продуктов на экономическое развитие. На основе анализа стандартов на заготавливаемое молоко, технического регламента о безопасности молока и молочных продуктов определены требования безопасности к сырому коровьему молоку. Приведена схема периодичности контроля показателей качества и безопасности сырого коровьего молока.</p> <p>Ключевые слова: национальная экономика, продовольственная безопасность, экономическое развитие, техно-химический контроль, заготавливаемое молоко, кислотность, бактериальная загрязненность, количество соматических клеток, потенциально опасные вещества, содержание белка.</p>	<p>J.Fayziev</p> <p>Ensuring food security is the key to economic development</p> <p>Abstract. The article shows the positive impact of safe food products on economic development. Based on an analysis of standards for prepared milk, technical regulations on the safety of milk and dairy products, safety requirements for raw cow's milk were determined. The periodicity of control of the quality and safety of raw cow's milk is given.</p> <p>Keywords: national economy, food security, economic development, techno-chemical control, harvested milk, acidity, bacterial contamination, somatic cell count, potentially hazardous substances, protein content.</p>
--	---

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

20.11.2024 йилда теришга берилди. 11.12.2024 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0134В/24

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.